

МИРМУҲСИН



ЖАЛОЛИДДИН
ВА
ОЙТЎЛИН



МИРМУҲСИН

**ЖАЛОЛИДДИН
ВА ОЙТЎЛИН**

Ҳикоялар

Тошкент “Ўзбекистон” 2001

Мирмуҳсин.

Жалолиддин ва Ойтўлин: Ҳикоялар.— Т.: “Ўзбекистон”,
2001.— 72 б.

Ўз2

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ниҳоятда сербарака ижодкордир. У ўзининг юзлаб шеърӣ ва насрий асарлари билан китобхонлар меҳр-муҳаббатини қозонган.

Адибнинг “Жалолиддин ва Ойтўлин” китобига кирган ҳикоялари тилининг раволиги, қаҳрамонларининг самимийлиги, воқеа-ҳодисаларнинг табиӣ ва ўзбеконалиги билан ўқувчиларда илиқ таассурот уйғотади.

М 4702620201 – 19 – 2001
М 351 (04) – 2001

ISBN 5—8255—0582—2

МАМЛУКЛАР

(Жалолиддин Мангубердининг Ҳазорасп
қалъаси остонасидаги жанги)

“Гурганжу Хивақ, Ҳазораспу Қиёт... кўлдан кетгач, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Ҳазор денгизи томон қочди. Давлатни катта ўғил — султон Жалолиддинга топширди. Султон шитоб ила Жайхун ёқаси — қуруқ даштга қўшин тўплаб, боргоҳ қурди. Унинг ихтиёрида олтмиш чоғлик мамлуклар¹ ва мингга яқин сараланган хоразмий отлиқ сарбозлари бор эди. Қалъанинг ичкари ва ташқарисида мўғул-татарлар — Ҳулагухон ва Беркей нўённинг каллакесарлари ўн мингдан ошарди...”²

— Жасоратли, мард навкарлар керак, гап сонда эмас, — деди саркарда шу жараёнда ўз қўшинини юзбоши, элликбошиларга бўлиб, тартибга солар экан. — Фидойи мамлукларни кўпайтирмоқ лозим, эндиги жанглар фақат ҳаёт-мамот учун бўлғай, бу муқаррар!

У Жайхун ёқасидаги тик тепаликка ўзининг қорабайир наслидан бўлган беш-ўн отини келтириб, бир саман устига минди-да, дарё қирғоғида турди. Буюк Жайхун дарёси жимираб, баъзи ерлари буралиб, тўлиб оқиб ётарди. Лашкарбошилар, мамлуклар, сарбозлар ҳайрон, енгил кийинган саркарда нима қиларкин? Жалолиддин қирғоққа келиб, дарёга қараб турган отини биқинига ниқтади. От орқасига тисарилиб, дарёдан бошини қайирди. Ҳамма улардан кўз узмай, қилт этмай турарди. Саркарда отдан тушиб, яна бошқасини келтиришни буюрди. Жанг кўрган бу жасоратли от ҳам дарёдан юзини ўгириб, икки қадам орқага тисарилди.

¹ Мамлуклар — ўз ватани, ўз подшоҳи учун жонини қурбон этувчи фидойи сипоҳийлар. X—XII асрларда Хоразмда пайдо бўлган.

² Мавлоно Шаҳобиддин ан-Насавийнинг “Сирот-ас-султон Жалолиддин Менкибурни” китобидан.

Саркарда жаноблари нима қилмоқчилар, деб сипоҳийлар ҳайрон эди. Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи отлар ҳам шериклари қилиғини қилди. Еттинчи отни олиб келдилар, бу от ҳам қорабайир наслидан бўлиб, бўйнилари узун, қадду қомаги келишган, кўкракдор эди. Саркарда унинг биқинига ҳам этиги пошнаси билан ниқтаб, “Чу, жонивор” деди. От олдинги икки оёғини кўтариб, қаттиқ кишнади, бу буйруқ эканини фаҳмладими, устида саркардаси турган ҳолда ўзини дарёга отди. Бир лаҳзада оту саркарда сув ичига кириб кетдилар. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, анча нарироқдан саркарда билан отнинг боши кўришиб, от жонивор ўз эгасини қирғоққа олиб чиқди. Ерга чиққач силкиниб, танидаги сувларни туширган отнинг бўйнига шапатилаб уриб эркалаган Жалолиддин шу лаҳза ўз оғасини қучгандай, от бўйнидан қучиб, манглайдан ўпди. Буни, от жуда яхши сезиб турарди. Шу лаҳза султон сарбозлар орасида турган Айюб Муҳаммад отлиқ мамлук йигитни чақирди.

— Жигарим, бу ёққа кел. Бу от сеники!

— Ташаккур, саркарда! — деди кўли кўксида, султонга таъзим этиб Айюб Муҳаммад деган забардаст, қадду қомаги келишган йигит.

Лекин от саркарда ёнидан кетмади. У қаёққа юрса шу ёққа борарди. “Иложим йўқ, жонивор, сен бу йигит билан бирга жангга кирасен. Бу, фармон!” От қулоқларини динг қилиб, саркардага тикилди. Ундан сўнг нарироқда турган, даҳанини рўмол билан ўраган соҳибжамол Хонсултон бекам ёнига борди.

“Малак” деб аталмиш бениҳоя гўзал қизнинг асли исми Хонсултон бека бўлиб, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кичик қизи, Жалолиддиннинг севикли синглиси. Мамлакат қўлдан кетгач, бу гўзал қиз катта оғаси Жалолиддин ёнида юрарди, оға таъқиқлаган бўлса ҳам кўлига қилич олиб, сарбозлардек отда маҳорабаларга кириб кетарди. “Дулдул”, асли қорабайир наслидан бўлган бу от уники. От фақат гўзал Малак билан Жалолиддинни тан олар, бошқа кимсани ёнига йўлатмас. Бу от ҳужумга югурганда барча отлардан олдинда борар, тўғри келган фаним отини ёни билан уриб, йиқитар, олдинги оёқларини кўтариб, човт солар, тўғри келса йўлбарсмонанд фанимни

гажирди. У буйруқни, ҳамма имо-ишорани тушунар, фақат гаплаша олмасди. Бу от — от эмас, одам, дейишарди.

Гўзал Малак бу отни ишқибозлик билан боқиб, баъзан миниб юрарди:

— Муҳтарам саркардам, менга бошқа от ҳам бўлабе-ради. У ўз эгаси ёнига борсин, — деди мамлук йигит.

— Бу отни биз “Дулдул” деб атадик, — сўнг у синг-лисига қаради. — Хонсултон бекам! Отнинг тизгинини Айюб Муҳаммадга беринг! Энди бу от уники! Ол уни, жигарим!

Малак от тизгинини мамлук Айюб Муҳаммадга узат-ди:

— Ака, от сизнинг ҳамроҳингиз бўлсин, у юртимиз-нинг садоқатли отларидан. Мен розимен... Отни ҳам, ўзингизни ҳам эҳтиёт сақланг!

— Ташаккур, бекам! — мамлук йигит Малак ҳусну жа-молига тикилиб, ағрайиб қолди. Султон Жалолиддиннинг укалари шаҳзодалар: Пиршоҳ, Узлоғшоҳ ва бошқалар ҳам унинг атрофида эканини биларди-ю, бу гўзал малика ҳам сипоҳийча кийиниб, акаси ёнида юрганини билмасди. Подшоҳ қизининг ҳуснига маҳлиё бўлди, лекин вақт ғоятда оғир, босқинчи мўғуллар ҳаммаёқни эгаллагани сабабли қиз ўзини таманно этадиган фурсат эмасди.

Ота васиятига биноан валиаҳд Жалолиддин Хоразмшоҳ, деб белгилангач, саркарда ўксинди: “Олий ҳазрат дўсту душманни ажратолмадилар, саройда у зот атрофини ўра-ган иккиюзламачи, ўз манфаатини юқори қўювчи кимса-ларни қўролмадилар. Шу сабабли Турон енгилди. Чалғи-дилар... Садоқатли одамлар четга сурилди. Ҳасадгўйлар, мансабпарастлар подшоҳнинг энг яқини бўлиб олгач, мам-лакат таназулга юз тутди. Фидойи мамлуклар четга ита-рилди. Заргарлар тиллога жез қўшиб, бозорни бузганла-ридек, ишонч йўқолди. Бобокалонимиз Қутбиддин Му-ҳаммад Хоразмшоҳ тиллони эритиб, жез қўшган заргарлардан иккисини дорга осишга ҳукм этган эдилар... Бизга отадан ғоятда оғир мерос қолди... Мўғул-татарлар мамлакатни босиб олди. Энди фақат жанг, мамлакат озод-лиги учун жанг ва яна жанг! Бир томчи қонимиз қолгунча жанг! Ўзликдан кечиб жанг! Мамлукона жанг! Бошқа йўл йўқ!”, деди ўзига-ўзи султон Жалолиддин Мангуберди.

Туронзаминнинг босиб олинган қалъаларида Чингизга сотилган шахслар Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ шаънига кўп беъмани бўхтонлар ёғдирдилар. Буларнинг бари-ни Чингизхон, Жўжихон, Чифатой маддоҳлари тарқатдилар. Подшоҳ қолиб, мўғулларга қарши аёвсиз курашган мамлук баҳодирларни “ўғрилар...” “Қофқоздан қиз ўғирлаб, Эрону Араб мамлакатларига олиб бориб сотувчилар...” деган гапни ҳам Чингизхон маддоҳлари тарқатди.

— Топшириқ бор. Ҳозирлик кўриб, кеч ёнимга кир. Ҳулагухонни ёки Беркей нўённи орадан кўтариб ташламоқ даркор... Кейин гаплашамиз... — шивирлаб гапирди саркарда, — кўп нарса уларни йўқотишга боғлиқ...

— Амрингизга тайёрмен!

— Бу гап сир сақлансин! У икки золим Ҳазораспда қатлиом буюрдилар. Ал-қасос!!!

— Қасос олурмен, олий ҳазрат!

Шундан сўнг саркарда барчанинг кўзи олдида яна бошқа фидойи мамлуклар билан қиличбозлик машқини бошлаб юборди. Жалолиддин терлаб кетган, либоси танига ёпишган эди. Лекин асло бўшашмасди. Ора-чора овоз чиқарарди: “Мени аяманглар! Бўшашманглар! Қилични кўллари-нгиздан учуриб юборманглар!” Қандайдир бир мамлук йигит султонни суриб бориб, ерга йиқитди. Султон ўрнидан турибоқ йигитни кучди. Белидаги шохона камарни ечиб, у йигит белига тақди. Юзбошини чорлаб, арра бўлиб кетган қилични олиб, янги димишқий шамшир берди. “Бу сеники, жигарим, сен чинакам мамлуксен!”

— Мамлакатда фидойи одамлар кўп, бобомиз Ануштегин ҳазратлари даврида ҳам, ундан кейинги Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз ҳазрати олийлари замонида ҳам фидойи мамлуклар бор эди, нега энди бундай фидойилар сонини кўпайтирмақ мумкин бўлмади? Улар мамлакатимиз таянчлари-ку! Улардан мутлақо ақча аямаслик лозим. Нега отам ҳазрати олийлари бу каби инсонларни эътибордан четда қолдирдилар? Лекин, барибир кўшинни қайтадан тузмоқ, энг муҳими, ўз атрофимга мамлук сарбозларни тўпламоғлик даркор! — деди у ўзига-ўзи.

Кеч киргач, Айюб Муҳаммад соҳибқирон чодирига кириб келди. Бунда саркарданинг инилари Пиршоҳ, Уз-

лоғшоҳ, хатиб-имом ҳазратлари ва яна бир неча саркардалар бор эди. Қўшин ичидаги ўттиз мамлук йигитларни ҳам чорлади. Лаб-даҳанини ҳарир ипак рўмол билан бекитган Малак қўлида тилло патнусда мевалар, нону намак олиб кирди.

— Йигит, мевалардан ол!

— Ташаккур! — у бир олмани қўлига олди.

— Фармон ўзингга маълум.

— Қани фотиҳа қилайлик, — деди хатиб-имом, — омин, Оллоҳу акбар! — барча оқ фотиҳа бериб, юзларига баякбор фотиҳа тортдилар.

— Бургут янглиғ учиб бор! “Дулдул” ёрдамчинг бўлғай. Вазифани бажариб, омон келишингни Оллоҳдан тилаймиз!

Айюб Муҳаммад мамлук ташқарига чиқиб, отига минди. Қўлига яланғоч қилич ва ўқ-ёй олди. Ортиқча аслаҳакурол олмади, либоси ҳам ҳалақит бермайдиган енгил ва қорамтил... У ўзининг ўлимга кетаётганини яхши биларди. У тепаликкача аста-секин юриб, дўнглик устига чиққач, душман боргоҳи, Ҳулагухон чодирини мўлжаллаб, у томон қушдек учиб кетди. Йўлда бир неча отлиқ ва пиёда қоровуллар йўлини тўсмоқчи бўлди, уларга қилич солиб, ерга йиқитди. Ғала-ғовур кўтарилди. Нима гап, деб ташқарига чиққан юмалоқ Ҳулагухон бўйнига куч билан шундай қилич солдики, кўз олдида калла узилиб ерга тушди. У тўхтамай, чапга бурилиб, даштга чиқиб кетди...

Ҳулагухон семиз, юмалоқ, боши ошқовоққа ўхшарди. Кўп вақт бошланг юрарди, сочи қирилган, калласида узун кокили ҳам бор, уни боғлаб тутиб қўярди. Золимликда тенги йўқ, хоразмшоҳларнинг насли қолмасин деб, ёш шаҳзодаларни бўғиб ўлдиришни буюрган даставвал шу эди! Жундор елкали, қоринлари қичиганда тўғри келган ёғочга сурканарди. “Қўтир бўлсангу уни қашласанг, бундан маза йўқ”, деб куларди. Чингизхоннинг катта ўғли Угедейхон отасига ўхшаш юзи ялпоқ, бурни шу башарага ёпишиб ётган бақага ўхшарди. Ҳулагухон билан Беркей нўён, Жебе нўёнлар ҳар бири ўн мингдан сарбозларга эга, мўғул қўшинининг асосий кучлари ҳисобланарди. “Ҳулагунинг итидек...” деган мақол ўзбеклар ичида тарқалган, бунга сабаб Чингизнинг саркардаси Ҳулагу нўён

аслида сакбон бўлгани, ўз итига ҳар куни бир қўй сўйиб, едиришини одамлар биларди. Шу нўён Хоразмни забт этишда ислом туғини баланд кўтариб, жангга кирган имом Нажмиддин Куброни ҳалок этган. Жума масжидида элликка яқин хатиб, имому муллою, мударрисларнинг бошини кесиб, қудуққа ташлаттиргани ҳам тарихдан маълум. Шу қатлиомда Айюб Муҳаммаднинг отаси Мулла Илёс ҳазратларининг ҳам боши кесилган. “Авлодингни манкурт қиламан!” деб ўкирган Ҳулагухонга бир қўлида ислом байроғи, бир қўлида қилич, имом Нажмиддин Кубро нидо қилган: “Йўқ, сен бизларни кул қилолмайсен. Туронзамин фарзандларининг ҳар бири бир мамлук, улар дини ислом, она ер, илму фанимиз йўлида ўзларини қурбон этишга тайёр! Лекин сен тошдан ясалган қиёфага сиғинадиганларни бу замин ютиб юборади!” деган эди имом Нажмиддин Кубро жангда ҳалок бўлатуриб.

Ҳазорасп қўлдан кетгач, мўғуллар Жайхун оқими томон силжиб, бирин-кетин кўп қалъаларни босиб олди. Хоразм музофотидаги бу қалъаларда кетган кескин ва беомон жанглар тафсилотларини ровийлар етказиб ривоят қилолмаганлар. Жанубда Пойканду Насаф, Жалолиддин у томонларга бормай, очиқ даштда боргоҳ тузди. Унинг ёнида укалари Қутбиддин Узлоғшоҳ, Фиёсиддин Пиршоҳ, синглиси Хонсултон бека, “Сиздан асло ажралмаймиз”, деб юрадиган хатиб-имом Шароф ал-Мулк ҳазратлари ҳам бор эди. Асло мағлубиятни тан олмайдиган султон Жалолиддин ўз чодирда ётиб, лашкари сонини кўпайтириш, душманга кўққисдан ҳамла қилиб, Хоразм тупроғидан ҳайдаб чиқариш режаларини тузарди.

Салоҳиятни ошириш мақсадида кўп машқлар бўлмоқда, оту улоқ етарли, яна нима зарур? Қўшин ичида фидойи мамлуклар кўпроқ бўлмоғи керак! Қўшиндаги ҳар бир сарбоз, ҳар бир тийрандоз, ҳар бир навкар ўзи фидойи, ҳаёт-мамот учун жангга кирурлар, бу ҳақиқат! Ватан душман оёғи остида топталса-ю, бунга ким чидайдими?! Аммо лашкарни янада қудратлироқ этмоқ учун шу ватан деб жонидан кечишга тайёр йигитлар қани! Бизларнинг чекинадиган жойимиз йўқ, қумликлар бизга бошпана бермоқда, Жайхун тўлиб оқар экан, у ҳам бизга қудрат бағишлайди, деган гап.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/394> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/394> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/394>